

**МУРДАЛАРДАН ОЛИНГАН МУШАК (ТҮҚИМА)
НАМУНАЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ**

Усмонов Олим Зиёдуллаевич - РСТЭИАМ
*Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат
суд-тиббий эксперти*



Ибрагимова Чарос Ниёзбоевна - РСТЭИАМ
*Тошкент вилоят филиали иккинчи тоифали давлат
суд-тиббий эксперти*



Фазилходжаева Замирахон Аблакимовна - РСТЭИАМ
*Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат
суд-тиббий эксперти*



Бурхонов Шерзод Суннатович- РСТЭИАМ
*Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат
суд-тиббий эксперти*



Аннотация. Ушбу мақолада РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалини суд-биологик бўлимига тақдим қилинган мурдалардан олинган мушак (тўқималар) намуналари бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: суд-тиббий экспертиза, мурда, мушак намунаси.

Аннотация. В данной статье изложены информации об образцах мышц (тканей) изъятых из трупов и представленных в судебно-биологический отдел Ташкентского областного филиала РНПЦСМЭ.

Ключевые слова: судебно-медицинская экспертиза, труп, образец мышца.

Annotation. In this article Information is provided on muscle (tissue) samples taken from corpses submitted to the forensic biology department of the Tashkent regional branch of the Republic Scientific and Practical Center for Forensic Medical Examination.

Key words: forensic medical examination, corpses, muscle sample

Мавзунинг долзарбилиги.

Мурданинг суд-тиббий экспертизаси зўраки ўлимнинг барча турларида, зўраки ўлимга шубҳа бўлган ҳолларда, ўлимнинг сабаби, жойи ва вақтидан қатъий назар номаълум шахслар ўлимида, ўлимдан олдин кўрсатилган тиббий ёрдамга нисбатан шикоят ва эътиrozлар бўлганда ўtkазилади.

Мурда ва унинг қисмларини текширишда намуна сифатида қон, соchlар, ўт (сийдик), перикард суюқлиги, тирноқлар, сужклар, чириш ўзгаришлари камроқ намоён бўлган соҳалардан юмшоқ тўқима бўлаклари, бундан ташқари жинсий дахлсизликка ва шахснинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар ва уларга шубҳа бўлганда докали тиқимга қин гумбази, тўғри ичак ва оғиз бўшлиғининг ичидаги моддалар олинади.

Мурдадан олинадиган ушбу намуналардан мушак (юмшоқ) тўқималар жами мурдалардан олинган обьектларнинг қанча фоизини ташкил қилиши, қандай ҳолатдаги мурдалардан, шунингдек шахси маълум ёки номаълум шахсли мурдалардан олиниши ҳақидаги маълумотлар кам ўрганилган.

Тадқиқот мақсади:

РСТЭИАМ Тошкент вилояти филиали туман, шаҳар мурдахоналарида текширувдан ўтказилган мурдалардан олинган мушак (юмшоқ) тўқималарни тахлил қилиш мақсад қилинди.

Тадқиқот материаллари ва усувлари.

Текширув материалларини 2020-2024 йилларда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимида текширувдан ўтказилган мурдалардан олинган мушак намуналарини суд-биологик текшируви бўйича илова қилинган текширув тайинлаш ҳақидаги йўлланмалар ва воқеа тафсилотларининг маълумотлари ташкил этди. Олинган натижалар махсус дастур асосида копьютерга киритилди, маълумотлар базаси яратилди ва таҳлил натижаларига статистик ишлов берилди.

Тадқиқот натижалари ва мухокамаси.

РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимига 2020-2024 й.да мурдалардан олиниб, тақдим қилинган биообъектлар сони кўрсатилган. Жами 199 та мушак (тўқима) намуналари суд-биологик бўлимида текширувдан ўтказилган бўлиб, шундан 48 таси 2020 йилда, 37 таси 2021 йилда, 39 таси 2022 йилда, 41 таси 2023 йилда, 34 таси 2024 йил январ ойига қадар тақдим этилган. Бу эса жами биообъектларнинг 2020 йилда 2,6 %ини, 2021 йилда 1,8 %ини, 2022 йилда 1,9 %ини, 2023 йилда 2,05 %ини, 2024 йилда 1,5 %ини ташкил этган (1-жадвал).

[1-жадвал]

Тақдим этилган мушак (түқима) намуналари.

Йиллар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Жами мурдалардан олинган намуналар сони	1844	1979	1979	2000	2259
Мушак (түқималар) олинган мурдалар сони	48	37	39	41	34
% да	2,6	1,8	1,9	2,05	1,5

2020-2024 й.да тақдим этилган мушак (түқима) намуналари ўрганиш жараёнида қуидаги кўриниш юзага келди:

2020 йилда уйида чириган ҳолда топилган мурдалар - 12 та, кўчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 15 та, чўккан ҳолда топилган мурдалар - 5 та, шифохонадан келтирилган мурдалар - 4 та, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 2 та, термик куйишдан вафот этган мурдалар - 1 та, тан-жароҳат билан топилган мурдалар - 6 та, склетланган ҳолда топилган мурдалар - 3 тани ташкил этган.

2021 йилда уйида чириган ҳолда топилган мурдалар - 9 та, кўчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 7 та, чўккан ҳолда топилган мурдалар - 4 та, шифохонадан келтирилган мурдалар - 4 та, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 5 та, термик куйишдан вафот этган мурдалар - 1 та, тан-жароҳат билан топилган мурдалар - 4 та, склетланган ҳолда топилган мурдалар - 2 та, эксгумация қилинган мурдалар - 1 тани ташкил этган.

2022 йилда уйида чириган ҳолда топилган мурдалар - 7 та, кўчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 5 та, чўккан ҳолда топилган мурдалар - 5 та, шифохонадан келтирилган мурдалар - 3 та, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 9 та, термик куйишдан вафот этган мурдалар - 2 та, тан-жароҳат билан топилган мурдалар - 6 та, склетланган ҳолда топилган мурдалар - 1 та, эксгумация қилинган мурдалар - 1 тани ташкил этган.

2023 йилда уйида чириган ҳолда топилган мурдалар - 16 та, кўчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 7 та, чўккан ҳолда топилган мурдалар - 7 та, шифохонадан келтирилган мурдалар - 1 та, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 8 та, термик куйишдан вафот этган мурдалар - 2 та, ни ташкил этган.

2024 йилда уйида чириган ҳолда топилган мурдалар - 22 та, күчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 1 та, чўкган ҳолда топилган мурдалар - 5 та, шифохонадан келтирилган мурдалар - 1 та, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 2 та, тан-жароҳат билан топилган мурдалар - 3 тани ташкил этган.

Ушбу олинган натижаларни умумлаштирганда чириган ҳолда топилган мурдалар - 33,1 %ни, күчада чириган ҳолда топилган мурдалар - 17,5 %ни, чўккан ҳолда топилган мурдалар - 13 %ни, шифохонадан келтирилган мурдалар - 6,5 %ни, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар - 13 %ни, термик куйишдан вафот этган мурдалар - 3%ни, тан-жароҳат билан топилган мурдалар - 9,5%ни, склетланган ҳолда топилган мурдалар - 3 %ни, эксгумация қилинган мурдалар - 1%ни ташкил этди. (2-жадвал).

[2-жадвал]

2020-2024 йиллар кесимида

№	Ҳолатлар									Жами
	Уйда чириган	Кўчада чириган	Чўкиш чириган	Шифохона	ЙТХ	Гермик куйиш	Тан-жароҳат	Склетланган	Эксгумация	
2020 й.	12	15	5	4	2	1	6	3	0	48
2021 й.	9	7	4	4	5	1	4	2	1	37
2022 й.	7	5	5	3	9	2	6	1	1	39
2023 й.	16	7	7	1	8	2	0	0	0	41
2024 й.	22	1	5	1	2	0	3	0	0	34
Жами	66	35	26	13	26	6	19	6	2	199
%да	33,1	17,5	13	6,5	13	3	9,5	3	1	

Бундан ташқари 2020-2024 йиллар мобайнида йўлланмалар асосида жами 199 та мушак (тўқима) намуналари суд-биологик бўлимига тақдим этилган бўлиб, шулардан 164 таси шахси маълум, 35 таси шахси номаълум мурдалардан олинган. Жумладан, 2020 йилда, 36 таси шахси маълум, 12 таси шахси номаълум мурдалар, 2021 йилда, 29 таси шахси маълум, 8 таси шахси номаълум мурдалар, 2022 йилда, 33 таси шахси маълум, 6 таси шахси номаълум мурдалар, 2023 йилда, 36 таси шахси маълум, 5 таси шахси номаълум мурдалар, 2024 йилда, 30 таси шахси маълум, 4 таси шахси номаълум мурдалар тақдим этилган.

Бу маълумотларнинг ўртачаси ҳисобланган 82,5 %и шахси маълум, 17,5 %и шахси номаълум мурдалар ташкил этди (3-жадвал).

[3-жадвал]

2020-2024 йиллар кесимида

№	Шахси маълум мурдалар	Шахси номаълум мурдалар
2020 й.	36	12
2021 й.	29	8
2022 й.	33	6
2023 й.	36	5
2024 й.	30	4
Жами	164	35
%да	82,5	17,5

Хулоса: Юқорида ўрганилган маълумотларни инобатга олган ҳолда қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1. РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг суд-биологик бўлимига 2020-2024 й.да мурдалардан олиниб, тақдим қилинган биообъектлар сонининг 2020 йилда 2,6 %ини, 2021 йилда 1,8 %ини, 2022 йилда 1,9 %ини, 2023 йилда 2,05 %ини, 2024 йилда 1,5 %ини мушак (тўқима) намуналари ташкил этгани аниқланди.

2. Ушбу олинган натижаларни умумлаштирганда чириган ҳолда топилган мурдалар – 33,1 %ни, кўчада чириган ҳолда топилган мурдалар – 17,5 %ни, чўккан ҳолда топилган мурдалар – 13 %ни, шифохонадан келтирилган мурдалар – 6,5 %ни, йўл транспорт ҳодисасидан вафот этган мурдалар – 13 %ни, термик куйишдан вафот этган мурдалар – 3%ни, тан-жароҳат билан топилган мурдалар – 9,5%ни, склетланган ҳолда топилган мурдалар – 3 %ни, эксгумация қилинган мурдалар – 1%ни ташкил этганлиги аниқланди.

3. 2020-2024 йиллар мобайнида тақдим этилган мушак (тўқима) намуналарининг ўртачаси ҳисобланган 82,5 %и шахси маълум, 17,5 %и шахси номаълум мурдалар ташкил этиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi “Sud ekspertizasi to‘g‘risida”gi qonuni. 2010 yil 1 iyun”.
2. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Sud-biologik ekspertiza va tekshiruvlarni o‘tkazish qoidalari” to‘g‘risidagi 153-sonli buyrug‘iga 4-ilova. 2012 yil 01 iyun.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Суд-тиббий

экспертиза ва текширувларининг ўтказиш стандартлари”. Тошкент. 2015 й.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси “Барча турдаги суд-тиббий экспертизалар учун Амалларни бажариш йўриқномалари”. Тошкент. 2014 й.

5. В.В.Шпак “Судебно-медицинская экспертиза вещественных доказательств биологического происхождения” ГомельГомГМУ2017 й. 32 б.

6. 7. А. А. Ефимова, Е. Н. Савенковой. “Судебная медицина” Москва 2012 й. 336 б.

7. А.К.Туманов“Основы судебно-медицинской экспертизы вещественных доказательств” Москва Медицина, 1975.

8. В.В.Томилин, Л.О. Барсегянц, А.С.Гладких «Судебно-медицинское исследование вещественных доказательств». Москва 1989 й.